

«Olmaliq KMK» AJ
ишончли бошқарувчисининг

2020 йил “03” апрелдаги
4/2020 - сонли Қарори билан

“ Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н ”

“OLMALIQ KON - METALLURGIYA KOMBINATI”

Aksiyadorlik jamiyati

(“Olmaliq KMK” AJ)

У С Т А В И

(янги тахрири)

1 – МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ НОМЛАНИШИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ ВА ЮРИДИК МАҚОМИ

1.1. Жамиятнинг номланиши:

1.1.1. Тўлиқ фирма номи:

- давлат тилида: “Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” aksiyadorlik jamiyati;
- рус тилида: Акционерное общество «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»;
- инглиз тилида: “Almalyk Mining and Metallurgical Complex” joint-stock company.

1.1.2. Қисқартирилган фирма номи:

- давлат тилида: “Olmaliq КМК” АЖ;
- рус тилида: АО “Алмалыкский ГМК”;
- инглиз тилида: “Almalyk ММС” JSC.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 10 февралдаги “Олмалиқ кон-металлургия комбинатини акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисида” ги 71-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 1997 йил 19 майдаги “Олмалиқ кон-металлургия комбинатини (ОКМК) очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида” ги 86 к-ПР-сонли буйруғига асосан ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 августдаги “Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-2573-сонли Қарорига биноан «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металллар комбинати» акциядорлик жамияти (“ЎзҚҚЎЧМК” АЖ) “Олмалиқ КМК” АЖ таркибига қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилади.

“Олмалиқ КМК” АЖ қайта ташкил этилган “ЎзҚҚЎЧМК” АЖ ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва “ЎзҚҚЎЧМК” АЖ томонидан аввал тузилган барча шартномалар ва қабул қилинган мажбуриятлар бўйича жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 188-сонли “Ангрен” МИЗ ҳудудида турли диаметрли мис қувурлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш йўли билан чора тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 29 майдаги 146-сонли Қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан “Ангрен қувур заводи” унитар корхонаси “Олмалиқ КМК” АЖ таркибига қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилди.

“Олмалиқ КМК” АЖ қайта ташкил этилган “Ангрен қувур заводи” унитар корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва “Ангрен қувур заводи” унитар корхонаси томонидан аввал тузилган барча шартномалар ва қабул қилинган мажбуриятлар бўйича жавобгар ҳисобланади.

1.3. “Олмалиқ КМК” АЖ “Olmaliq КМК” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ушбу Устав асосида амалга оширади.

1.4. Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб юридик шахс мақомини олган.

1.5. Жамият ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва ундан ташқаридаги банк муассасаларида белгиланган тартибда ҳисоб варақлари ва бошқа варақлар очиш ҳуқуқига, ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга. Муҳрда бир вақтнинг ўзида Жамиятнинг фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

1.6. Жамият ўзининг номи ва жойлашган ери ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.7. Жамият ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг Устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин. Шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари ўз мулкида ўз асосий жамиятининг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас.

1.9. Жамият ушбу Устав ва қонунчиликка асосан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалалар бўйича Жамиятнинг битта акциядори - барча оддий акцияларининг эгаси (кейинги ўринларда – Бош акциядор) ёзма равишда расмийлаштириш йўли билан яқка тартибда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

1.10. Жамиятнинг жойлашган ери ва почта манзили: 110100, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 53-уй.

1.11. Жамиятнинг расмий веб-сайти ва электрон почта манзили: www.agmk.uz, info@agmk.uz.

2 – МОДДА

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ, ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

2.1.1. Минерал-хом ашё базасини кенгайтириш, рангли ва нодир металл рудалари янги конларини ўзлаштириш соҳасида тоғ-кон саноатини юритиш, фойдали қазилмаларни олиш ва уларни келгуси қайта ишлашни ташкиллаштиришнинг замонавий усуллари татбиқ этилишини таъминлашга, рангли ва нодир металлларни чуқур қайта ишлаш асосида экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кучайтиришга йўналтирилган ягона техник сиёсатни амалга ошириш;

2.1.2. Ишлаб чиқаришнинг юқори барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, юқори қўшилган қийматли саноат маҳсулотларининг экспорт ҳажмларини ошириш мақсадида, шу жумладан маҳсулотлар сотиладиган янги бозорларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва сифатини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш ҳисобига таркибий ислохотларни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялашни янада чуқурлаштириш;

2.1.3. Янги юқори технологик корхоналар қурилиши ва ишга туширилишини, янги иш ўринлари яратилишини, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнлари самарадорлиги ва шаффофлигини кучайтиришга қаратилган лойиҳавий бошқарувнинг замонавий усуллари татбиқ этилишини назарда тутадиган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда инвестициялар, шу жумладан чет эл инвестицияларининг барқарор жалб этилишини таъминлайдиган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

2.1.4. Айрим турдаги маҳсулотлар ва хизматлар импортини босқичма-босқич қисқартириш мақсадида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини босиш ва ички бозорни керакли маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар билан таъминлаш жараёнларини

янада чуқурлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларидан устувор фойдаланиш асосида тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

2.1.5. илмий-тадқиқот ишларини, шу жумладан рангли, қимматбаҳо, нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар соҳасида амалий тадқиқотлар дастурларини бажариш доирасидаги ишларни ташкиллаштириш, янги технологиялар ва инновация лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишда иштирок қилиш;

2.1.6. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий этиш, ушбу асосда бошқарув самарадорлиги оширилишини, ишлаб чиқариш харажатлари ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархи камайтирилишини, унинг рақобатбардошлиги, шунингдек комбинат молия-хўжалик фаолиятининг шаффофлиги кучайтирилишини таъминлаш;

2.1.7. Комбинатнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, техник-муҳандислар ва бошқарув кадрлар малакаларини ошириш, кооперацияни олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим ва илмий муассасалар билан кучайтириш орқали уларнинг қайта тайёрланишини ташкиллаштириш, қаттиқ рақобатчилик шароитларида тармоқнинг самарали фаолият юритишини таъминлай оладиган ёш ва истеъдодли мутахассисларни жалб этиш.

2.2. Жамиятнинг фаолият мақсади даромад олиш ҳисобланади. Жамият шунингдек, ўз фаолиятини қуйидаги мақсадларда амалга оширади:

2.2.1. Кон ва металлургия ишлаб чиқариши соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

2.2.2. Экспортга маҳсулотлар сотиш ва етказиб бериш бозорларини кенгайтириш, буюртмалар портфелининг шакллантирилишини ва маҳсулотнинг қафолатланган сотилишини таъминлаш;

2.2.3. Инвестицияларни кенг жорий қилиш, илғор чет эл фирмалари ва компаниялари билан бирга замонавий технологиялар негизида ва янги рақобатли афзалликларни таъминлайдиган қўшма ишлаб чиқаришлар ва корхоналар ташкил қилиш;

2.2.4. Жамият таркибига кирадиган барча таркибий бўлинмаларнинг умумий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2.2.5. Илмий-техника сиёсати ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, техника ва технологияларнинг янги прогрессив турларини жорий қилиш;

2.2.6. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, янада юқори даражада қайта ишланадиган ва қўшимча қийматли маҳсулотларни ўзлаштириш;

2.2.7. Тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш асосида олиб келинаётган импорт маҳсулотларининг номенклатурасини қисқартириш;

2.2.8. Асосий ишлаб чиқаришни локализациялашни чуқурлаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришдаги импорт қисмларни камайтириш;

2.3. Жамиятнинг асосий фаолияти рангли, қимматбаҳо, ноёб ва бошқа металл рудаларини казиб чиқариш ва бойитиш бўйича ишлаб - чиқаришни ташкил қилиш, тозаланган мис, рух метали, қимматбаҳо ва ноёб металллар ва уларнинг қотишмаларини, олтингугурт кислотаси, бошқа турдош оралиқ маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобланади.

2.4. Жамият фаолиятининг соҳасига яна қуйидагилар киради:

2.4.1. Таркибида рангли ва қимматбаҳо металллар мавжуд бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш;

2.4.2. Ўзбекистон Республикаси корхоналаридан келиб тушаётган, шунингдек, хориждан импорт бўйича келиб тушаётган хом-ашёни қайта ишлаш;

2.4.3. Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик, лойиҳа-изланиш, геологик-кидирув ишларини амалга ошириш;

2.4.4. Технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимларини, қўриқлаш - ёнғиндан автоматик тарзда хабар бериш ва телекузатув тизимларини, маълумотлар бериш тармоқларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;

- 2.4.5. Кислород, азот, аргон, карбонат кислота ва пропан баллонларини таъмирлаш ва техник кўриб чиқиш;
- 2.4.6. Юк ва йўловчиларни автотранспортда ва темир йўлда ташиш;
- 2.4.7. Портловчи моддалар ва портлайдиган воситаларни ишлаб чиқиш, ишлаб-чиқариш, етказиб бериш;
- 2.4.8. Портлатиш ишларини олиб бориш;
- 2.4.9. Қурилиш материаллари, конструкциялари ва маҳсулотлари, жумладан қурилиш ва оқ (портланд) цемент ишлаб чиқариш;
- 2.4.10. Турли диаметрдаги мис қувурлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сотиш;
- 2.4.11. Ишлаб чиқариш - техник мақсадларга мўлжалланган материаллар, товарлар ва маҳсулотларни сақлаш, омборхоналарга жойлаш соҳасидаги хизматларни кўрсатиш;
- 2.4.12. Умумий овқатланиш шаҳобчаларини ташкил қилиш;
- 2.4.13. Ёрдамчи қишлоқ хўжалиklarини, ширкатларни ривожлантириш, жамоавий боғдорчилик, полизчилик, ўртоқчиликларни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- 2.4.14. Алоқа, телефонлаштириш, телевидение, шунингдек, локал компьютер тизимларига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш;
- 2.4.15. Таъмирлаш-қурилиш, қурилиш, қурилиш-монтаж, аварияга оид ишларини, ёнғин ва радиация хавфсизлигини таъминлаш ишларини олиб бориш, жумладан, радиоизотоп жиҳозларни монтаж қилиш, ишга тушириш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- 2.4.16. Тоғ-кон ва металлургия тармоқларида махсус технологик линиялар ва асбоб-ускуналарни, металл конструкциялар, назорат-ўлчов асбоблари ва автоматларини монтаж қилиш ва созлаш ишга тушириш, санитария-техник, электромонтаж, изоляция ва кимёвий ҳимоя ишларини бажариш, ишлаб чиқариш объектлари, транспорт ва муҳандислик инфратузилмаларини қуриш;
- 2.4.17. Тоғ-кон ва металлургия тармоқларида тасдиқланган дастурлар, шунингдек, ҳудудий ривожланиш дастурлари доирасида «тўлиқ тугатиб топшириш» усулида қурилиш, монтаж ва махсус ишларнинг барча мажмуини амалга ошириш;
- 2.4.18. Халқ истеъмоли маҳсулотлари, шунингдек, тикув маҳсулотлари ва шахсий ҳимоя воситаларини ишлаб чиқариш;
- 2.4.19. Ишлаб чиқариш-техник мақсадларга мўлжалланган турли хилдаги маҳсулотларни, жумладан, қўймалардан ностандарт асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- 2.4.20. Кенг ассортиментли товарларнинг улгуржи ва чакана савдосини амалга ошириш, ўзининг улгуржи, тижорат, озиқ-овқат, универсал дўконлари ва супермаркетлари тизимини ташкил қилиш;
- 2.4.21. Аҳолига барча турдаги маиший хизматларни кўрсатиш;
- 2.4.22. Реклама фаолияти, миждозлар буюртмасига асосан реклама маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- 2.4.23. Лизинг ва ижара;
- 2.4.24. Иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- 2.4.25. Кон капитал ишларини амалга ошириш;
- 2.4.26. Уй-жой коммунал ва меҳмонхона хизматларини кўрсатиш;
- 2.4.27. Қишлоқ хўжалик, чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш;
- 2.4.28. Ишлаб чиқарилган маҳсулот, ишлар ва хизматларни, шунингдек, халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотларини қонунчиликда ўрнатилган тартибда ишлаб чиқариш ва сотиш;
- 2.4.29. Телевидение ва босма нашрлар орқали аҳолини корхона, шаҳар, вилоят, республиканинг кўпроқ аҳамиятга эга бўлган воқеалари ҳақида хабардор этиш;
- 2.4.30. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

2.4.31. Дам олиш уйлари ва масканлари, даволаш-соғломлаштириш муассасалари, мактабгача таълим, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, маданий ва дам олиш боғлари, аттракционлар ва аҳолига ижтимоий ва маданий хизмат кўрсатадиган бошқа муассасалар ишини ташкил этиш;

2.4.32. Техника, технология ва бошқа соҳалардаги «ноу-хау» ларни мамлакат ичкарасида ва чет элларда сотиш ва сотиб олиш;

2.4.33. Республика ҳудудида ва чет элларда кўргазма, ким ошди савдолари ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни ташкил этиш ва уларда қатнашиш;

2.4.34. Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фаолияти;

2.4.35. Корхона маблағлари ҳисобидан, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар ҳисобидан шартнома асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш;

2.4.36. Нодир ва ноёб металлларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида амалий тадқиқотлар ва янги ишланмаларни олиб бориш, нодир ва ноёб металллардан, ярим маҳсулотлардан, қотишмалардан ва бошқа юқори технологик маҳсулотлардан фойдаланиш бўйича замонавий илғор технологияларни фаол ўрганиш ва тадбиқ этиш.

2.4.37. Берилган кимёвий ва фазавий таркибли соф металллар, қотишмалар ва композицион кукунлар олиш орқали нодир ва ноёб металлларни қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни ишлаб чиқариш ва саноат асосида ўзлаштириш.

2.4.38. Вольфрам, молибденни ишлаб чиқариш, нодир ва ноёб металлларга чуқур қайта ишлов бериш ва улардан ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган буюмлар, қаттиқ қотишмали асбоблар, кимёвий катализаторлар, композит матириаллар ва юқори қўшилган қийматли бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологияларни тадбиқ этиш.

2.4.39. Ташқи бозорларда юқори талабга эга бўлган саноат ярим маҳсулотларни ва буюмларини ишлаб чиқарган ҳолда, нодир ва ноёб металлларни чуқур қайта ишлашини, шунингдек республиканинг бошқа корхоналаридан олинадиган нодир ва ноёб металллар ярим маҳсулотларини қайта ишлашини таъминлаш.

2.4.40. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан таъқиқланмаган ва ушбу Уставда назарда тутилган асосий йўналишлари, вазифалари ва мақсадларига мос келадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

3 – МОДДА ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

3.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

3.2. Жамиятнинг Устав фонди Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Жамият оддий акциялар билан бирга имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли.

3.4. Жамият Устав фондининг миқдори **91 795 241** (тўқсон бир миллион етти юз тўқсон беш минг икки юз қирқ бир) **дона** акцияларга бўлинган **359 286 573 274** (уч юз эллик тўққиз миллиард икки юз саксон олти миллион беш юз етмиш уч минг икки юз етмиш тўрт) **сўмни** ташкил қилади ҳамда, шу жумладан:

- **давлат улуши - 97,55%, 350 481 803 262.00** (уч юз эллик миллиард тўрт юз саксон бир миллион саккиз юз уч минг икки юз олтмиш икки) **сўмлик 89 545 683** **дона** акцияларга бўлинган (жойлаштирилган);

- **жисмоний ва юридик шахслар улуши - 2,45%, 8 804 770 012.00** (саккиз миллиард саккиз юз тўрт миллион етти юз етмиш минг ўн икки) **сўмлик 2 249 558 дона** акцияларга бўлинган (жойлаштирилган);

3.5. Жамиятнинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қонунчиликда ва ушбу Уставда белгиланган тартибда кўпайтирилиши мумкин.

3.6. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда камайтирилиши мумкин.

4 – МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, ОБЛИГАЦИЯЛАРИ

ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

4.1. Жамиятнинг қимматли қоғозларини чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш ва улар бўйича ҳисоб-китоб, шунингдек, акцияларга бўлган ҳуқуқларнинг ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва ушбу Устав билан аниқланади.

4.2. Жамият акцияларни, облигацияларни ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан таъқиқланмаган бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳақли.

4.3. Жамият ҳар бирининг номинал қиймати **3 914 сўм** бўлган эгасининг номи ёзилган оддий ва имтиёзли **91 795 241 дона** нақдсиз акцияларни чиқаришни амалга оширган, жумладан:

- **89 545 683 дона** эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;
- **2 249 558 дона** эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

4.4. Жамият жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда **126 940 052 дона**, номинал қиймати **3 914 сўм** бўлган **496 843 363 528 сўмлик** эълон қилинган оддий акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

4.5. Жамият қонунчиликка мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли. Жамият томонидан корпоратив облигацияларини чиқариш Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

4.6. Жамият акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек, пул баҳосига эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулк ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланади.

4.7. Жамият томонидан акция ва бошқа қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиши қуйидаги кўринишларда амалга оширилиши мумкин:

- қимматли қоғозларни хусусий йўсинда жойлаштириш (оммавий эълонлар ва реклама кампаниясини ўтказмасдан, аввалдан маълум бўлган сони чекланган инвесторлар ўртасида ёпиқ обуна);

- қимматли қоғозларни оммавий йўсинда жойлаштириш (рекламадан фойдаланган ҳолда сони чекланмаган инвесторлар ўртасида очик обуна).

4.8. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

4.9. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларини акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан Жамият Устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек, уларни кейинчалик қонунчиликда белгиланган меъёр ва чекловларни ҳисобга олган ҳолда олишга ҳақли.

Акциялар тўлови уларни сотиб олиш вақтида, миллий валютадаги пул маблағлари билан амалга оширилади.

Имтиёзли акцияларни сотиб олиш, Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланган, бироқ унинг номинал қийматидан кам бўлмаган нархда амалга оширилади.

4.10. Жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришни ва майдалашни амалга оширишга ҳақли. Бунда ушбу Уставга Жамият жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

5 – МОДДА

ЖАМИЯТ ДИВИДЕНДЛАРИ

5.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугагандан сўнг уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ушбу Уставда дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра (оралик) дивидендлар жамият Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра бўнак сифатида тўланиши мумкин. Молиявий йил якуни бўйича дивиденд ҳисобланишида бўнак сифатида тўланган оралик дивидендлар инобатга олинади.

5.2. Дивидендларни тўлаш манбаи бўлиб, Жамиятнинг солиққа тортилгандан сўнг қолган фойдаси (Жамиятнинг соф фойдаси) ҳисобланади. Жамиятнинг соф фойдаси Жамият бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланади.

5.3. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Битта имтиёзли акцияга тўланадиган дивиденд миқдори акция номинал қийматининг 25% ни ташкил қилади.

5.4. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

5.5. Оддий акцияларга тўланадиган дивиденд миқдори акциядорлар умумий йиғилишида белгиланади.

5.6. Агар йил якуни бўйича оддий акцияларга тўланадиган дивиденд миқдори имтиёзли акцияларга тўланадиган дивиденд миқдоридан кўп бўлса, имтиёзли акциялар бўйича тўловлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан бирмунча юқори фоиз ставкаларида тўланиши мумкин.

5.7. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўрган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида ҳам тўланиши мумкин.

Дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларини қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

5.8. Дивиденднинг миқдори, шакли, тўлаш муддати ва тартиби Жамият кузатув кенгашининг тавсиясига асосан, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Бунда, дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас, тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.9. Дивиденд олиш ҳуқуқига, акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида ёхуд Бош акциядор томонидан яқка тартибда қарор қабул қилинишидан уч кун аввал шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга.

6 – МОДДА ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ

6.1. Жамият томонидан соф фойда ҳисобига Заҳира фонди ва қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа фондлар ташкил қилинади.

6.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг Заҳира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланган. Заҳира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас. Заҳира фонди жамият Устав фондининг **25%** миқдорида шакллантирилади.

Жамият ҳар йили, миқдори ушбу Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг **5%** дан кам бўлмаган миқдорда Заҳира фондига мажбурий ажратмаларни амалга оширади. Заҳира фонди қисман ёки тўлиқ сарфланганда мажбурий ажратмалар тикланади.

6.3. Жамият бошқа фондларининг таркиби, мақсади, шакллантириш манбалари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

7 – МОДДА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Жамият акциядорлари қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқларга эгадирлар.

7.2. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

7.3. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ва ушбу Уставда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этадилар. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият Уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартириш ва

қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини оладилар.

Имтиёзли акциялар эгалари бўлган акциядорлар имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

7.4. Жамиятнинг имтиёзли акцияларини оддий акцияларга айирбошлаш мумкин эмас.

7.5. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига дивидендларни олишда ва Жамият тугатилаётганда унинг мулки тақсимланишида биринчи навбатда иштирок этиш имтиёзли ҳуқуқни беради.

Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган қиймат (тугатилиш қиймати) имтиёзли акциялар номинал қийматининг **100%** ни ташкил қилади.

Тақсимланаётган мулкнинг миқдори Жамият акцияларининг номинал қийматидан ошган ҳолларда, имтиёзли акциялар эгалари оддий акциялар эгалари олаётган мулкнинг қийматигача қўшимча тўлов оладилар.

7.6. Акциядорлар ўз ҳуқуқларини шахсан ёки ўз вакили орқали амалга оширишлари мумкин. Вакил сифатида учинчи шахс, бошқа акциядор, шунингдек Жамиятнинг мансабдор шахси иштирок этиши мумкин. Вакилни тайинлаш тартиби қонунчиликка асосан аниқланади.

7.7. Акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ҳам овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

7.8. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

7.9. Акциядорлар ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

7.10. Акциядорларнинг ҳуқуқлари қонунчилик, шунингдек, Жамият бошқарув органлари томонидан ушбу Уставда белгиланган мажбуриятларини бажариш йўли билан ҳимоя қилинади.

7.11. Жамият акциядорлари ўз ҳуқуқларини амалга оширганларида қуйидаги мажбуриятга эгадирлар:

- Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва ушбу Устав қоидаларига риоя қилиш;
- Жамиятга нисбатан ўзларига белгиланган тартибда олган мажбуриятларини бажариш;
- Жамият фаолиятига доир махфий ахборотларни ошкор қилмаслик;
- ўз хатти-ҳаракатлари билан Жамиятга зарар ва унинг мавқеига путур етказмаслик;
- Жамият бошқарув органлари қарорларига Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, ушбу Устав ва акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларида назарда тутилган меъёрларда амал қилиш;

- бошқа акциядорларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини бузмаслик.

7.12. Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ўзи ҳақидаги маълумотларнинг ўзгарганликлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

7.13. Миноритар акциядорлар ҳужжатларни ассосиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмасликлари керак.

7.14. Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача Жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоиздан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифни 30 (ўттиз) кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кун ичида олинган тақдирда, Жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

7.15. Акциядор (акциядорлар) йирик битимни ёки аффилланган шахс билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини судда кўриб чиқиш чоғида жамиятдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқилаётган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно.

8 – МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ

8.1. Қуйидагилар Жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланадилар:

8.1.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши - олий бошқарув органи;

8.1.2. Кузатув кенгаши - Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи орган;

8.1.3. Бошқарув - Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи коллегиял ижроия органи,

8.1.4. Ижроия органининг раҳбари: Бошқарув Раиси Жамиятнинг кундалик фаолиятига тезкор раҳбарликни амалга оширади.

8.2. Қуйидагилар Жамиятнинг назорат қилувчи органлари ҳисобланадилар:

8.2.1. Тафтиш комиссияси - Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи орган.

8.2.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати - Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилишни ва баҳолашни амалга оширади;

8.2.3. Корпоратив маслаҳатчи – Жамиятда корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилувчи мутахассис.

8.3. Миноритар акциядорлар қўмитаси – миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил қилинадиган орган.

8.4. Жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган ҳолда фақат жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этилади. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

9 – МОДДА

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши - Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Жамият юқори бошқарув органининг вазифаларини Бош акциядор бажаради, имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонунчиликка ва ушбу Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини олиш ҳоллари бундан мустасно.

9.2. Жамият Кузатув кенгашининг раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси ҳисобланади, у йиғилишларни олиб боради ва баённома юритилишини ташкил этади.

Жамият Кузатув кенгашининг раиси томонидан узрли сабабларга кўра йиғилиш раиси вазифаларини бажариш имкони бўлмаган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомга мувофиқ тайинланган Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири йиғилиш раиси ҳисобланади.

9.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши лозим, бу йиғилиш молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши одатда ҳар йилнинг май ёки июнь ойларида ўтказилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

9.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

9.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига қуйидагилар киради:

1) Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

2) Жамиятни қайта ташкил этиш;

3) Жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) қонунчиликка мувофиқ Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан, акцияларнинг бир қисмини уларнинг умумий сонини қисқартириш мақсадида Жамият томонидан сотиб олиш йўли билан, Жамият томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олинган акцияларни муомаладан чиқариш йўли билан камайтириш, шунингдек, жамиятнинг Устав фондини камайтириш тартибини белгилаш;

7) ўз акцияларини олиш;

8) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9) Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ва Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш, шунингдек, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

10) Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талабларни белгилаш;

11) Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

12) Жамият органлари (Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, коллегиял ижроия органи, Миноритар акциядорлар қўмитаси, Тафтиш комиссияси) фаолиятини мувофиқлаштирувчи ички ҳужжатларни тасдиқлаш, шу жумладан, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига, Тафтиш комиссияси аъзоларига, бошқарув органлари котибларига ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

13) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ваколат доирасига кирадиган масалалари юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши ва ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

14) Жамиятнинг йиллик ҳисоботлари, йиллик бухгалтерия ҳисоботи, жумладан, Жамиятнинг фойдалари ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;

15) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

16) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш, жумладан, молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра дивидендлар тўламаслик ёки тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида дивиденд миқдори, тўлаш муддати, уни тўлаш шакли ва тартибини аниқлаган ҳолда қарор қабул қилиш;

17) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

18) санок комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;

19) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш ва акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартибини аниқлаш;

20) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

22) қонунчиликка мувофиқ Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш), сотиб олиш (қайтариб сотиб олиш) нархини белгилаш;

23) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

24) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

25) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

26) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, ушбу Уставнинг 10.10.-бандида Кузатув кенгашининг ваколатига берилиши назарда тутилган масалалар бундан мустасно.

9.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонунчиликка кўра ваколат доирасига киритилмаган масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

9.10. Овозга кўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.11. Ушбу Устав 9.6.-бандининг 1, 2, 3, 5, 13, 24 бандостиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан умумий йиғилишни олиб бориш тартиби бўйича қарор қабул қилиш тартиби «Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом»да белгиланган.

9.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар мазмуни, акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотнинг (материалларнинг) таркиби, шунингдек акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартибига талаблар қонунчилик ва «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом» да белгилаб қўйилган.

9.14. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин бир юз эллик кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга, Жамият фойдасини тақсимлаш бўйича таклифлар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгашига, Тафтиш комиссиясига ва Миноритар акциядорлар кўмитасига қонунчиликда назарда тутилган тартиб ва шартларда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

9.15. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни меъёрларига ва «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом» га асосан амалга оширилади.

9.16. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий йиллик умумий йиғилишини ўтказиш санаси худди ўша кун тартиби билан эълон қилиниши шарт.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши худди ўша кун тартиби билан ўтказилиши мумкин.

Кворумни аниқлаш, ўтказилмай қолган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўрнига акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 68-моддасининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади.

9.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш шартлари, овоз бериш бюллетенининг шакли, шунингдек, овоз беришда овозларни санаб чиқиш тартиби ва овоз бериш яқунларини расмийлаштириш тартиби қонунчиликка, «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом» ва «Санок комиссияси тўғрисидаги Низом»га мувофиқ белгилаб қўйилади.

9.18. Жамиятнинг имтиёзли акциялари Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олган ҳолатлардан ташқари ҳолатларда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонунчилик ва ушбу Устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар битта акциядор - Жамият барча оддий акцияларининг ягона эгаси (Бош акциядор) томонидан қабул қилинади ва ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

9.19. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни кўриб чиқиш Бош акциядор томонидан, унинг ўз ташаббусига кўра мустақил равишда ёки Кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга оширилиши мумкин.

9.20. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари, овоз бериш ўтказилган акциядорларнинг умумий йиғилишида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси (Бош акциядорнинг яқка тартибдаги қарори) тузилгандан кейин ўн кундан кечиктирмай овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни чоп этиш йўли билан акциядорлар эътиборига етказилади.

9.21. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси (Бош акциядорнинг яқка тартибдаги қарори) акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан (Бош акциядор қарор қабул қилгандан) кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби (Бош акциядор ёки унинг тайинланган вакили) томонидан имзоланади.

9.22. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказишнинг бошқа масалалари қонунчилик меъёрлари, Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом» ва «Санок комиссияси тўғрисидаги Низом» билан тартибга солинади.

10 – МОДДА

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва ушбу Устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

10.2. Қуйидаги шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари мумкин эмас:

- Жамиятнинг Бошқаруви ва Тафтиш комиссияси таркибига кирувчи;
- ўз мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ёки Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси мақомига тўғри келмайдиган фаолиятга алоқадор;
- Жамиятда ўз ёлланма меҳнат фаолиятини ўриндошлик тарзида олиб борувчи шахслар.

10.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилиши ва «Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом»да акс эттирилиши мумкин.

10.4. Кузатув кенгашининг аъзолари **9** кишидан иборат бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан **бир** йил муддатга сайланади.

Жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши лозим, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат вакиллари томонидан амалга оширилади.

10.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган «Ҳақ тўлаш» тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳақ тўланади.

10.6. Жамият Кузатув кенгаши фаолиятининг тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланадиган «Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом»да белгилаб қўйилади.

10.7. Кузатув кенгаши Бошқарувнинг:

- Жамият йиллик бизнес-режасини бажариш, унинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботни - ҳар чорақда,
- Кузатув кенгаши томонидан маъқулланган битимларнинг жорий этилиши тўғрисидаги ҳисоботларини - жорий этилиш якунлари бўйича эшитади.

10.8. Кузатув кенгаши ўз ваколатларини амалга ошириш ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун Жамият мутахассисларини, шунингдек, аудиторлик, баҳолаш ва бошқа ташкилотларни шартнома асосида жалб қилиш ҳуқуқига эга.

10.9. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киреди:

- 1) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- 2) Жамиятнинг инвестиция ва илмий-техника сиёсатини аниқлаш;
- 3) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда ва ушбу Уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- 4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш, шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва унга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларни қонунчиликка мувофиқ ҳал қилиш;
- 5) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, қонунчиликда ва ушбу Уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- 6) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 7) қонунчиликда назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- 8) Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 9) Жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) тайинлаш (сайлаш), бунда саралаш асосидаги чет эллик менежерлар иштироки қондасини белгилаш, бошқарув аъзолари ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, жамият номидан жамият бошқаруви

раиси ва бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномани имзолаш учун ваколатли шахсларни аниқлаш;

10) Жамият Бошқаруви Раиси томонидан ўз вазифаларини узоқ вақт ёки ноаниқ давр мобайнида бажариш имконияти бўлмаган, шунингдек ҳар қандай асосларга кўра, Бошқарув Раиси нинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолларда, Жамият Бошқаруви Раиси функциясини бажарувчи Жамиятнинг мансабдор шахсини аниқлаш;

11) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи Низомни тасдиқлаш;

12) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

13) Жамият бошқарув органларининг фаолияти тартибини белгиловчи ички ҳужжатларни тасдиқлаш, тасдиқланиши акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган, шунингдек, ушбу Устав ва Кузатув кенгашининг қарори билан Жамият ижроия органи томонидан тасдиқланиши белгиланган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

14) Жамият фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш;

15) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини Тафтиш комиссияси томонидан текшириш тўғрисида ташаббус билан чиқиш;

16) Тафтиш комиссиясининг Жамиятда аффилиланган шахслар билан ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосасини, шунингдек, бундай битимларни тузиш буйича қонун талабларини ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя қилинишини ҳар чоракда кўриб чиқиш;

17) Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ҳақ тўлаш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, Жамиятнинг Тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақлар буйича тавсиялар бериш, шунингдек Жамиятнинг назорат органларига ва бошқарув органлари котибларига тўланадиган ҳақларнинг миқдорларини белгилаш;

18) Йиллик ҳисоботни, йиллик бухгалтерия ҳисоб-китобини, жумладан фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тарзда тасдиқлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

19) Жамиятнинг Заҳира фондидан фойдаланиш, шунингдек, Жамиятнинг бошқа фондларининг миқдори, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш;

20) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш (тугатиш) ва ваколатхоналарини очиш (ёпиш);

21) Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

22) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

23) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштирок этиши ва иштирокини тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

24) Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битимларни (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг баланс қиймати ёки олинаётган мол-мулкнинг қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари

миқдорининг ўн беш фоизидан ортиқ, лекин эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорини ташкил этса;

25) Хизмат сафарларига, вакиллик мақсадларига, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларига тўловларни амалга ошириш, реклама, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, моддий, ҳомийлик, гуманитар ва бошқа ёрдамларни кўрсатиш, хайрия жамғармалари ва бошқа мақсадларга бадал тўлаш учун белгиланган меъёрлардан ортиқ маблағларни ажратиш тартиби билан боғлиқ бўлган ички фойдаланиш ҳужжатлари, услубий низомлар, қўлланмалар, тавсиялар, нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича Бошқарувга топшириқлар бериш;

26) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги қарорларининг (Фармонлар, Қарорлар, Фармойишлар, баённома қарорлари, топшириқлари ва х.к.) ижроси бўйича қарорлар қабул қилиш;

27) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги иштироки билан боғлиқ бўлган беғараз битимларини тузиш тўғрисида (жумладан, хайрия, хайр-эҳсон қилиш, ҳадя, ҳомийлик ёрдами), аъзолик бадалларини киритиш (бошқа харажатларни амалга ошириш) тўғрисида қарор қабул қилиш, агар бунда, барча тўловларнинг умумий суммаси чорак давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 15 000 бараваридан ортиқ бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги қарорларининг (Фармонлар, Қарорлар, Фармойишлар, баённома қарорлари, топшириқлари ва х.к.) ижроси бўйича қарорлар қабул қилиш ҳоллари бундан мустасно;

28) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошладиган корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида, шунингдек, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

29) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақнинг миқдорларини «Ҳақ тўлаш (рағбатлантириш) тўғриси» даги Низомга мувофиқ белгилаш;

30) Жамият Кузатув кенгаши котибини тайинлаш;

31) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабрдан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

32) Тегишли масалалар бўйича Кузатув кенгаши ҳузурида кумиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил қилиш.

33) Аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш.

10.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра куйидагилар Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилиши мумкин:

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият Уставига Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- қимматли қоғозлар ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида ва ушбу Уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ушбу Уставнинг 24-кичик банди 10.9.-бандостида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгаши таркибидан чиқиб кетган аъзолар овози ҳисобга олинмайди.

Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

10.12. Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар кўрсатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

10.13. Акциядорлар томонидан Кузатув кенгашини ташкил этиш учун номзодлар кўрсатилмаган ёки номзодларнинг миқдори кам кўрсатилган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши ўз хоҳишига кўра номзодлар рўйхатини шакллантириш ёки тўлдириш ҳуқуқига эга.

10.14. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади, бунда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.15. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади (қайта сайланади).

Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

10.16. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши Раисининг ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ижроия органи аъзосининг, Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорларининг (акциядорнинг), ушбу Уставда белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра, Кузатув кенгашининг тасдиқланган иш режасига мувофиқ, шунингдек, Кузатув кенгашининг аввалги мажлисларидан бирида аниқланган кейинги мажлиснинг санаси (муддати) ва кун тартибини инобатга олган ҳолда чақиради.

Кузатув кенгаши мажлиси, зарурият туғилган ҳолларда, бироқ бир чорақда камида бир марта ўтказилади.

10.17. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу Уставнинг 10.19-бандида кўрсатилган асосларга кўра 7 кишидан камайган ҳолда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилади. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек, Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

10.18. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси ҳам юзма-юз (Кузатув кенгаши аъзоларининг биргаликда иштирок этиш йўли билан) шаклда, ҳам сиртки шаклда ўтказилиши мумкин. Кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказилган тақдирда қарорлар Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

10.19. Жамиятнинг ушбу Уставида ва/ёки қонунчиликка асосан Кузатув кенгашининг қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши белгиланган ҳолларда, қуйидаги Кузатув кенгаши аъзоларининг овози ҳисобга олинмайди:

- вафот этган, бедарак йўқолган ва мулоқатга нолайиқ деб топилган;
- соғлиғи туфайли, манфаатлар келишмовчилиги рўй берганда, шунингдек бошқа ҳолатларда ёзма равишдаги аризасига кўра ўз ихтиёри билан Кузатув кенгаши аъзолигидан чиқиб кетаётган шахслар. Бунда чиқиб кетиш куни Жамиятга тегишли аризининг келиб тушган куни ҳисобланади;
- ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг қарорлари қонуний кучга кириши муносабати билан Кузатув кенгаши аъзоси ваколати тугатилган ёки тўхтатилган шахслар;
- ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа сабабларга кўра, ўз мажбуриятини бажариш имконияти бўлмаган шахслар.

10.20. Кузатув кенгашига тайёргарлик кўриш ва қабул қилинган қарорларни расмийлаштириш қонунчилик ва «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

11 – МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ (БОШҚАРУВ) ОРГАНИ

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш Бошқарув Раиси томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви ушбу Уставга мувофиқ бир йил муддатга тайинланадиган (сайланадиган) **13** та аъзодан ташкил топади.

11.2. Жамият Бошқарув раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади ва бу лавозимга Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва мақоми бўйича вазир мақомига тенглаштирилади, бошқарув раиси ўринбосарлари жамият Кузатув кенгашининг қарорига асосан лавозимга тайинланади ва мақоми бўйича вазир ўринбосари мақомига тенглаштирилади.

Бошқарувни Бошқарув Раиси, у бўлмаган тақдирда унинг биринчи ўринбосари ёки раис ўринбосарларидан бири бошқаради.

11.3. Бошқарув Раисини ишга ёллаш тўғрисидаги шартнома (контракт) акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан тузилади (узайтирилади) ёки тугатилади (тўхтатилади).

11.4. Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари билан Жамият номидан шартнома Кузатув кенгашининг Раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

11.5. Жамият Бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан аввал тугатилганда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни Кузатув кенгашининг қарори билан тайинланишига, Бошқарув раисини сайланадиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида кўриб чиқилгунга қадар йўл қўйилади.

11.6. Жамият Бошқаруви ўз фаолиятини қонунчиликка, ушбу Уставга, шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисидаги Низом»га биноан амалга оширади.

11.7. Жамият Ижроия органининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини амалга оширади ва ташкил қилади.

11.8. Бошқарув ваколоти доирасига шунингдек қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини ва уларни амалга ошириш бўйича истиқболли режаларни, шунингдек, Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини ишлаб чиқиш ва Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;

- Жамиятнинг даромадини ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида кундалик хўжалик сиёсатини тузиб чиқиш ва амалга ошириш;

- Жамиятнинг бизнес-режаси асосида ишлаб чиқилган ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш ва тасдиқлаш, Жамият таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш хажмини аниқлаш;

- Жамиятнинг ижтимоий ривожланиш дастурини амалга ошириш бўйича тавсияларни кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш;

- ишчиларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва экология талабларига риоя қилиш;

- Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритиладиган масалалар бўйича ахборотлар, материаллар ва таклифларни тайёрлаш;

- Жамиятнинг бизнес-режасини ва молиявий-хўжалик фаолиятининг бошқа дастурларини ишлаб чиқиш;

- Жамиятнинг йиллик иш истиқболлари, йиллик баланси, фойда ва зарарлари ҳақидаги ҳисоботлар ва бошқа керакли ҳисобот ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Кузатув кенгашига тақдим қилиш;

- фойдани тақсимлаш ва зарарни қоплаш бўйича таклифларни Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим қилиш;

- акциядорларнинг умумий йиғилишида ва Кузатув кенгашида уларнинг ваколатлари доирасига киритилган масалалар ва ҳужжатлар бўйича қарор қабул қилиш учун кўриб чиқиладиган материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

- тижорат сирини (махфий ахборот ҳисобланган) ташкил қилган маълумотларнинг таркибини ва хажмини, уларни ҳимоя қилиш тартибини аниқлаш;

- Жамият томонидан амалга ошириладиган йирик инновация ва инвестиция лойиҳалари ва дастурларини олдиндан кўриб чиқиш;

- Битимларни (шартномаларни) тузиш тўғрисида, Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битимларни (шартномаларни) тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш, агарда бундай битимларнинг (шартномаларнинг) қиймати битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган санага Жамият бухгалтерия ҳисоботининг маълумотлари бўйича аниқланган Жамиятнинг соф активлари миқдорининг **уч фоизидан ўн беш фоизгача бўлган қийматини ташкил этганда;**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги қарорларини (Фармонлари, Қарорлари, Фармойишлари, баённома қарорлари, топшириқлари ва ҳ.к.) ижро этиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги иштироки билан боғлиқ бўлган беғараз битимларини тузиш тўғрисида (жумладан, хайрия, хайр-эҳсон қилиш, ҳадя, ҳомийлик ёрдами), аъзолик бадалларини киритиш (бошқа харажатларни амалга ошириш) тўғрисида қарорлар қабул қилиш, агар бунда, барча тўловларнинг умумий суммаси чорак давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг **15 000 бараваридан ортиқ бўлмаса,** Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш тўғрисидаги қарорларининг (Фармонлар, Қарорлар, Фармойишлар, баённома қарорлари, топшириқлари ва ҳ.к.) ижроси бўйича қарорлар қабул қилиш холлари бундан мустасно;

- Жамиятнинг ички ташкилий ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш ва асослаш;

- Бошқарув ваколат доирасига таалуқли масалалар бўйича Жамият ички хужжатларини тасдиқлаш;

- Бошқарув Раиси томонидан Бошқарувга кўриб чиқиш учун тақдим этилган, Жамият кундалик фаолиятининг бошқа масалаларини ҳал қилиш.

- Бошқарув фаолиятига раҳбарликни Жамиятнинг Бошқарув Раиси амалга оширади.

- Жамиятнинг Бошқарув Раиси:

- Бошқарув фаолиятини ташкил қилади, Бошқарув аъзолари ўртасидаги вазифаларни тақсимлайди, Бошқарув томонидан асосланган ва самарали қарорлар қабул қилинишини таъминлайди, Бошқарув мажлисларида Раислик қилади, ушбу Устав, шунингдек «Ижроия органи тўғрисидаги Низом»да назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилади;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, унинг манфаатларини ифодалайди, штатларни тасдиқлайди, Жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- Битимларни (шартномаларни) тузиш тўғрисида, жумладан, Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битимларни (шартномаларни) тузиш тўғрисида қарор қабул қилади, агарда бундай битимларнинг (шартномаларнинг) қиймати битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган санага Жамият бухгалтерия ҳисоботининг маълумотлари бўйича аниқланган Жамиятнинг соф активлари қийматининг **уч фоизидан ортиқ бўлмаса;**

- Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти учун жавоб беради;

- Жамиятнинг кундалик фаолиятига таалуқли бўлган, Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ва Бошқарувининг ваколати доирасига кирмайдиган масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилади.

11.9. Бошқарув фаолиятига раҳбарликни Жамиятнинг Бошқарув Раиси амалга оширади.

11.10. Жамиятнинг Бошқарув Раиси:

- Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда шартномалар тузиш, банк ва молия

операцияларини амалга ошириш, шунингдек бундай операцияларни амалга ошириш бўйича бошқа шахсларга ишончномалар бериш;

- Жамиятнинг молиявий, инвестиция, ишлаб чиқариш дастурларини амалга оширилишини ташкил қилиш;
- Жамиятнинг мулки ва воситаларини бошқариш;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахсларига нисбатан Жамият номидан даъво бўйича қарор қабул қилиш;
- банкларда ҳисоб, валюта ва бошқа варақларни очиш;
- Жамиятнинг ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал қилиш;
- Жамият олдига қўйилган масалаларни бажариш учун бошқа функцияларни бажариш;
- меҳнат қонунчилигига мувофиқ Жамиятнинг ишчилар билан меҳнат муносабатида иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш;
- Жамиятнинг ички хужжатларига мувофиқ Жамият ишчилари лавозим маошларининг миқдорини белгилаш, ходимлар мукофот пулининг миқдорини аниқлаш;
- Жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимига номзодларни киритиш;
- Жамият Бошқарув органларининг қарорларини бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- қонунчилик, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқарув томонидан Бошқарув Раисига юклатилиши мумкин бўлган бошқа функцияларни бажариш.

11.11. Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик, ушбу Устав, Жамиятнинг ички хужжатлари ва Жамият билан тузилган шартномалар билан белгиланади.

11.12. Бошқарув мажлисларини чақириш ва ўтказиш, унинг қарорларини қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби, шунингдек, Бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги «Ижроия органи тўғрисида» ги Низом билан белгиланади.

11.13. Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутишлари шарт, ҳамда улар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

11.14. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Жамият Бошқаруви аъзолари вакилларнинг Жамият Бошқарувига аъзолар сайлаш масаласи бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

12 - МОДДА

МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ

12.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Жамиятда Миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

12.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар Жамиятга Жамият Кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

12.3. Миноритар акциядорлар қўмитасига акциядорлар умумий йиғилиши томонидан миноритар акциядорлар орасидан **5 киши** бир йил муддатга сайланади.

12.4. Жамият Бошқаруви Раиси ва аъзолари, шунингдек жамият Кузатув кенгаши ҳамда, тафтиш комиссияси аъзолари Жамиятнинг қўмита аъзолари таркибига киритилиши мумкин эмас. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар қиради:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

- миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

12.5. Миноритар акциядорлар кўмитасига номзодларни киритиш ва унинг аъзоларини сайлаш, шунингдек, уларни фаолияти тартиби Жамият томонидан қонунчилик меъёрларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига тасдиқлаш учун тақдим қилинади.

12.6. Миноритар акциядорлар кўмитаси аъзоларига акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра «Миноритар акциядорлар кўмитаси тўғрисида» ги Низомга мувофиқ ҳақ тўланади.

12.7. Миноритар акциядорлар кўмитасини таъминлаш харажатлари Жамият томонидан қопланади.

13 – МОДДА ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

13.1. Тафтиш комиссияси.

13.1.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан **бир** йил муддатга **7** аъздан иборат Тафтиш комиссияси сайланади.

13.1.2. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айти бир шахс айти бир Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

13.1.3. Тафтиш комиссиясига номзодлар киритиш қонунчилик ва ушбу Уставда Жамият Кузатув кенгашига номзодлар киритиш учун белгиланган тартиб ва муддатда амалга оширилади.

13.1.4. Тафтиш комиссиясига киритилган номзодлар сони ушбу Уставда белгиланган Тафтиш комиссиясининг сон таркибидан ортиб кетган ҳолларда энг кўп «Тарафдорлар» овозга эга бўлган номзодлар сайланган ҳисобланади.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Тафтиш комиссиясининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

13.1.5. Тафтиш комиссиясининг фаолият тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом» га асосан амалга оширилади.

13.1.6. Тафтиш комиссиясининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган молиявий, бухгалтерия, тўлов-ҳисоб, статистик ва бошқа ҳужжатларини, қонунчиликка, ушбу Уставга, Жамиятнинг ички ҳужжатларига мос келишини текшириш (тафтиш қилиш);

- Жамиятнинг акцияларига дивидендларни, облигацияларга фоизларни, бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобланиши ва тўланишини текшириш;

- Жамият кредитор қарзларининг асослилигини текшириш;
- Жамиятнинг молиявий ҳолати, унинг тўлов қобилияти, ликвидлилиги ва активларидан самарали фойдаланиши, ўз ва қарз маблағларининг мутаносиблигини таҳлил қилиш;
- Жамият молиявий аҳволини яхшиловчи заҳираларни аниқлаш ва бошқарув органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Жамиятнинг Заҳира ва бошқа махсус жамғармаларининг шакллантирилиши ва ишлатилиши устидан назорат;
- Аффилланган шахслар билан битимлар ёки Жамиятдаги бошқа йирик битимларни аниқлаш, шунингдек бундай битимларни тузиш бўйича қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини текшириш;
- Аввалги текширувда (тафтишда) аниқланган хатоликлар ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича аввал берилган кўрсатмаларнинг бажарилишини текшириш;
- Жамиятнинг молиявий-хужалик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғланган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

13.1.7. Жамият Тафтиш комиссиясининг талабига кўра Жамият ижроия органи мансабдор шахслари Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни унга тақдим этишлари шарт.

13.1.8. Тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Жамиятда Кузатув кенгашининг қарорига биноан, Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва ўз фаолиятини қонунчиликка ва Жамият акциядорлари Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган, «Ички аудит хизмати тўғрисида» ги Низомга биноан амалга оширадиган Ички аудит хизмати тузилади.

Жамиятнинг Ички аудит хизмати Жамиятда ички назоратни, шу жумладан, Устав фондининг 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

13.3. Жамият ташқи (мустақил) назоратни амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотини жалб қилади, аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади.

13.4. Жамиятда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини амалга ошириш учун, Жамиятга Корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

Жамият Корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

14 – МОДДА ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14.1. Жамиятда иш берувчининг вакиллиги, Жамиятнинг мансабдор шахслари томонидан, уларга меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, Жамиятнинг лавозим йўриқномалари, буйруқлари, ишончномалар ва бошқа локал ҳужжатлари билан белгиланган ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

14.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида хайрия ва бошқа беғараз ёрдам кўрсатиш учун

харажатлар амалга оширилган ҳолатлардан (Фармонлар, Қарорлар, Фармойишлар, баённома қарорлари, топшириқларидан) ташқари, Жамиятнинг бошқа ҳайрия ва беғараз ёрдам (шу жумладан, хайр-эҳсон, совға қилиш, ҳомийлик ёрдами) кўрсатиш учун ҳар йилги харажатлари Жамият томонидан ўтган йил учун олинган соф фойданинг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак ва ўтган ҳисобот йили учун Жамият бизнес-режасининг фойда қисми кўрсаткичлари бажарилган ҳолларда амалга оширилади.

14.3. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши (Бош акциядор қарори) ва ўз ваколатлари доирасида Кузатув кенгаши томонидан мазкур Уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

14.4. Жамият Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

14.5. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

“Олмалиқ КМК” АЖ Бошқарув раиси

А. Хурсанов